Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 78 (20. 945) 1991 йил 23 апрель сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

В. И. Ленин туғилганига 121 йил тўлган 22 апрель куни минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари унинг мавзолейини зиёрат қилдилар. Совет давлати асосчисининг дахмасига СССР Олий Совети, КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий Назорат комиссиясидан гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарларни қўйиш маросимида М. С. Горбачев, Г. И. Янаев, А. И. Лукьянов, В. С. Павлов, В. А. Ивашко, бошқа давлат ва партия раҳбарлари, халқ депутатлари, КПСС фахрийлари қатнашдилар.

РСФСР Компартияси Марказий Комитетидан, КПСС Москва шаҳар ва Москва вилоят комитетларидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

* * *

22 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонида инқилоб доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси ҳайкали пойига тантанали равишда гуллар қўйилди.

Ҳайкал пойига саватдаги гуллар Ўзбекистон ССР Президенти номидан ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Кенгаши, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси номидан қўйилди.

Партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий кенгаши, Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент вилоят ва шаҳар партия комитетлари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ҳам доҳий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

В. И. Ленин ҳайкали пойига қўйиш учун корхоналар ва ташкилотлар меҳнат жамоалари гуллар келтиришди.

Гул қўйиш маросимида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий тафтиш комиссияси раёсатининг, республика ҳукуматининг аъзолари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИНГА ЯНГИ ҲАЙКАЛ

ЯНГИБОЗОР. (ЎзТАГ мухбири П. Нишонов). 21 апрель куни бу ердаги марказий майдонга қўлларида баҳор чечакларини кўтариб олган уруш ва меҳнат фахрийлари, бўйинларига алвон галстуклар боғлаган пионер-ўқувчилар ҳамда ноҳия меҳнаткашлари йиғила бошлади. Ноҳия коммунистлари шанбаликларда ишлаб топилган маблағ ҳисобига пролетариат доҳийсига янги ҳайкал ўрнатишга аҳд қилган эдилар. В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллиги арафасида бу ерда бўйи 3 метрли ҳайкал қад кўтарди.

Шу маросимга бағишланган митингни Коммунистик район партия қўмитасининг биринчи котиби М. М. Маҳмудов очди. В. И. Ленин, — деди у, XX аср бошидаги энг йирик сиймолардан биридир. Фикрлар хилма-хиллиги ҳукм сураётган ҳозирги даврда баъзилар ўтмишда йўл қўйилган хатоларнинг сабабини марксизмдан, ленинизмдан изламоқдалар. Аслида шундаймикин? Ҳамма иллат Ленин асарларини яхши ўрганмаганлигимизда, унга қатъий амал қилмай қўйганимизда, деб ўйлайман.

Бугунги кунда биз қироатчиликдан покланиб, Ленин таълимотига янгидан назар солмоқдамиз. Зероки, доҳий ҳам ўз фаолиятига ҳамиша танқидий кўз билан қарар эди...

Оппоқ чодир туширилади, Ильичнинг бронзадан ишланган улкан ҳайкали тонг қуёши ёғдуларида жилоланиб, майдонга янгича файз бахш этади.

Ҳайкал очилиши маросимида Тошкент вилояти партия қўмитаси котиби Ш. И. Жалилов ҳамда район партия қўмитаси бюро аъзолари қатнашдилар. Ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Шундан кейин партия фахрийлари — Бозор Улуғхўжаев ҳамда Абдулла Бойхўжаевларга «КПСС сафида 50 йил» кўкрак нишони, олти нафар ёш коммунистга эса партия билетлари топширилди.

АНЪАНАЛАРНИНГ ҚЎШИЛИШИ

Ўзбекистоннинг юз минглаб аҳолиси 20 апрель куни умумхалқ ҳашарига чиқди

● Жумҳуриятда бу йилги апрель аввалгиларига ўхшамади. Анъанавий Ленинча шанбаликка дабдабали тайёргарлик кўрилмади, тули-тумай штаблар ярим тунгача мажлис қилиб режалар тузмади. Фалон жамоа чошгоҳгача смена нормасини бажариб бўлганлиги тўғрисидаги зафар маълумотлари ҳам бўлмади.

Ленининг номини сийқалаштириб юборган сохта ва ялтироқ ғайрат-шижоатлар, чамаси, энди такрорланмас.

Ҳар ҳолда, апрель ойида бир кун В. И. Ленин хотирасига текин ишлаб бериш анъанаси Ўзбекистонда сақланиб қолди. Фақат бу сафар уни бошқа анъана — халқ ҳашари билан қўшиб юборишди. Юз минглаб ўзбекистонликлар ўтган шанба куни ихтиёрий равишда ҳашарга чиқиб, дўстига, қўшнисига сидқидилдан ёрдамлашди...

Ўтган меҳнат байрами куни жумҳуриятда ўртага қўйилган вазифаларнинг ўзи ҳам аввалгиларидан бошқача эди. Ишлаб топилган ўн миллионлаб сўм маблағни саноат корхоналари, қурилишларнинг ишчилари, колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари қандайдир мавҳум Бутуниттифоқ шанбалик ҳисобига ўтказишмади, балки хайрия мақсадларига, меҳрмурувват жамғармаларига топширишди. Пулнинг анчагина қисми меҳнат жамоаларининг ўзида қолди. Чунки нарх-навонинг кескин кўтарилиши ҳаммага ҳам таъсир қилди. Шу сабабли кўпгина коллективлар 20 апрелдаги меҳнат эвазига олинган маблағни ишчиларнинг ошхоналаридаги тушлик овқатга қўшимча тарзда тўламоқдалар, шаҳар транспортида юриш ҳақи ошганлиги учун компенсация тарзида бермоқдалар.

— Корхонамиз меҳнатчилари ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда серунум меҳнатнинг кескинликни бирмунча камайтириши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириши мумкинлигини жуда яхши тушуниб турибдилар, — дейди «Янгийўл» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. Сафу. — Ҳашарда зўр ғайрат билан ишладик. Болаларга аталган ва юмшоқ мебелдан бир неча ўн йиғмасини ишлаб чиқардик. Бунинг эвазига олинадиган маблағ ишчиларимизга компенсация тўлашга, йиғилиб қолган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишга ишлатилади.

Ўзбекистон мебелчилари каби халқ хўжалиги комплекси бошқа тармоқларининг вакиллари ҳам ҳозир хом ашё ва материаллар етишмаслигидан қийналмоқдалар. Шунга қарамай, жойларда умумхалқ ҳашари куни маҳсулот ишлаб чиқариш учун имкониятлар қидириб топилди. Масалан, Тошкент Компрессор заводи ишлаб чиқараётган камес маҳсулот мамлакатнинг барча жумҳуриятларига ва кўпгина чет мамлакатларга ҳам юборилмоқда. 20 апрель шанба куни бу ерда 750 киши ишга чиқди. Улар 21 та компрессор тайёрлашди, саккиз минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришди.

Совет—Италия қўшма корхонаси — «Совпластитал» ходимлари ва «Ўзбекгидроэнергострой» бош пудратчи трестининг жамоаси учун ўтган шанба куни самарали кун бўлди. Қўшма корхона ходимлари санитария-техника асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган ноёб техникани созлаш билан шуғулландилар. Трест жамоаси эса Қарши даштида қурилаётган Толимаржон ГРЭСининг асосий корпусида металл конструкцияларни монтаж қилди. Бу объектларсиз жумҳурият иқтисодиёти самарали ривожлана олмайди, ўз мустақиллигини мустаҳкамлай олмайди.

Кўпгина меҳнат жамоалари апрель ҳашари куни олинган маблағни Оролни қутқариш жамғармасига, бир марта ишлатиладиган шприцлар сотиб олишга, уй-жой қуриш, пионер лагерларини, санаторий-профилакторийлар ва истироҳат масканларини тузатиш учун тақчил қурилиш материаллари сотиб олишга сарфлашни мўлжалламоқдалар.

Ҳашарнинг умумий якунларига келганда, лўнда бир маълумотни айтиш қийин. Бироқ, одамларнинг кайфиятига қараганда, ўтган шанба эркин ва бегараз меҳнатнинг ҳақиқий байрами бўлди. Чунки одамлар ўзлари учун ишладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

СССР Вазирлар Маҳкамасининг 20 апрель куни Иттифоқ ҳукумати бошлиғи В. С. Павлов раислигида бўлиб ўтган мажлисида мамлакатни ниҳоятда оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволдан олиб чиқиш дастури муфассал кўриб чиқилди.

Бош вазир мажлисни очаётиб, ишлаб чиқаришни мукобил ўстириш асосида меҳнаткашлар иш ҳақини ошириш тўғрисида касаба уюшмалари билан принципиал битимга келинганлигини маълум қилди. Энди бу битимни республикаларда ва минтақаларда, тармоқларда ва корхоналарда амалга ошириш керак.

Шундан кейин кун тартибидаги бирдан-бир масала юзасидан маъруза қилган Бош вазир ўринбосари В. И. Шчербаков мамлакатдаги вазиятнинг эҳтимол тутилган ривожланиши вариантлари хусусида батафсил тўхталди, Вазирлар Маҳкамаси тангликка қарши тадбирлар мажмуини тайёрлаш чоғида ана шу вариантларни кўриб чиқди. Бу вариантлар учта бўлиб, уларнинг ҳар бири жамиятни турли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб боради.

Агар дарҳол ҳозирги мураккаб вақтга яраша қатъий ва кескин чоралар кўрилмаса, жамият катта моддий зарар кўриши, ишлаб чиқаришнинг янада кескин пасайиб кетиши муқаррар. Бу, айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг камайиб кетишида зоҳир бўлади. Мамлакатда турмуш даражаси ўртача 20 фоиз пасаяди.

Агар ҳозир тангликка қарши қатъий чоралар қабул қилинса, жамият секин-аста иқтисодий тартибсизликни бартараф этиб, чекиниш суръатларини секинлаштириш ва йилнинг сўнгги чорагидаёқ хўжаликдаги вазиятни барқарорлаштириш учун реал имкониятга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, фақат таназзулни тўхатиб туриш эмас, шу билан бирга бозор иқтисодиёти йўлида тобора юксалиш учун замин ҳозирлаш имкони пайдо бўлади.

(ТАСС).

Ўзбекистон—Туркманистон:



Икки қардош республика Президентлари ва давлат делегациялари аъзоларининг учрашувида. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат (ЎзТАГ).

МАҚСАД—ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР Давлат делегациясининг Туркманистонга қилган ташрифи ниҳоясига етди.

Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, иккала республиканинг ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланганлиги ташрифнинг асосий якуни бўлди.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов имзоладилар.

Яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзловчи йўл халқларимизни янада жипслаштиради, маҳаллий социалистик бирлашувни ривожлантириш учун янги уфқлар очади. Халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги, чинакам дўстлиги кўпмиллатли федератив давлатимиз, барча иттифоқдош республикаларнинг куч-қудрат чашмаси эканига бизнинг ишончимиз комил, деди Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов.

Республикаларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, ҳукуматлараро битим бебаҳо тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ҳам Ўзбекистоннинг, ҳам Туркманистоннинг истиқболи кўзловчи асл манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов.

(ЎзТАГ махсус мухбири).

(Ўзбекистон ССР Давлат делегациясининг Туркманистон ССРга қилган визити тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

Қуйида олий аҳдлашувчи томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаси:

халқларнинг дўстлик ва тотувликда яшашга, мустақил давлатларнинг янгиланган Иттифоқини ихтиёрий асосда тузиш ва ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга бўлган хоҳиш-иродаси ва интилишини ифода этиб, ўзбек халқи ва туркман халқининг тарихий яқинлиги ҳамда қардошлик алоқаларига асосланиб, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасини ва бу ўзаро муносабатларга янги омил бахш этиш зарурлигини ҳисобга олиб,

ўз муносабатларини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияси ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияси принципларини ўзаро эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилиш, икки республика халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат ажралмас ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик, чегаларининг бир бутунлиги ва бузилмаслиги, куч ишлатишдан, тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий ва бошқа усулларини қўллашдан воз кечиш, баҳсли муаммоларни муросага келтирувчи чора-тадбирлар ёрдамида тартибга солиш, халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилган бошқа принциплари ва нормалари асосида ривожлантиришни кўзлаб,

халқларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий тараққиёти, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, умумий хавфсизликни таъминлаш манфаатлари йўлида томонлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилиб,

инсон ҳуқуқлари соҳасида умум эътироф этган халқаро нормаларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммаларига олиб, қуйидаги битимга келдилар:

1-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар бир-бирларини янгиланган Иттифоқ (федерация) таркибидаги мустақил давлат деб эътироф этадилар ва бошқа томоннинг давлат мустақиллигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар қилмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

2-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида тўла ҳокимиятга эга бўлади, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш, ўзининг ривожланишига тааллуқли барча масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқларини эътироф этади, ўз ҳудудида яшаётган бошқа аҳдлашувчи томон фуқароларининг миллати, дини ёки бошқа тафовутларидан қатъи назар, уларнинг фуқароликка доир, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини умуминсоний ва миллий қадриятларни мужассамлантиришни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича барча эътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ кафолатлайди.

Томонлардан бирида истиқомат қилиб турган шахсларнинг бошқа томон фуқаролигини олишига доир масалалар томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларини ҳисобга олган ҳолда тегишли битишув йўли билан тартибга солинади. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масаласи махсус битимлар билан тартибга солинади.

3-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудий бир бутунлигини ва Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудий бир бутунлигини эътироф этадилар ҳамда ҳурмат қиладилар, СССР доирасида ўз ўрталаридаги таркиб топган давлат чегараларини ўзгармас деб ҳисоблайдилар, бу чегаралар томонларнинг розилигисиз кимнингдир хоҳишига кўра ўзгартирилиши мумкин эмас. Томонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг Олмаота шартномасида ўз тасдиғини топган чегараларнинг дахлсизлигига қатъий риоя қилиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

Томонлар миллий ҳудбинлик ва миллий муросасизликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайдилар, миллатлараро муносабатларда экстремизмнинг олдини олиш ва уни тар-тубан йўқ қилиш учун, миллатлараро можаролар ва халқларнинг ҳуқуқларини чеклашга бўлган урнишларга йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. миллатлараро муносабатларда пайдо бўладиган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммолар фақат сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этилишини кафолатлайдилар.

4-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий декларацияси ва халқаро битимларда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари устунлигини эътироф этиб, барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, Туркманистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи ўзбекларнинг, бошқа миллат вакилларининг, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи туркманларнинг, бошқа миллат вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиши имкониятларини, виждон эркинлиги ва бошқа сиёсий ҳамда шахсий эркинликларини кафолатлайдилар.

Томонлар давлат ва жамоат ташкилотлари даражасидаги, миллий маданият марказлари, ижодий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг турли шаклларидан, оммавий ахборот воситаларидан янада самарали фойдаланиш, шу жумладан, Туркманистонда яшаётган ўзбеклар ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар учун телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни кенгайтириш орқали иккала республика халқларининг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини таргиб қилишнинг савиясини ошириш лозим, деб ҳисоблайдилар. Республикаларда маданият кунлари, декадалар ўтказишни, ижодий жамоаларнинг ўзаро алоқаларини кенгроқ йўлга қўйиш керак.

5-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида ўзбек халқининг ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида туркман халқининг ўз она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятини, тарихий қадриятлари ва маданият ёдгорликлари муҳофаза қилинишини ҳамда уларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлинишини кафолатлайдилар.

Томонлар ўз ҳудудларида яшовчи миллий гуруҳларнинг этник, маданий ва тил жиҳатидан ўзига хослиги сақлаб қолиниши ҳамда равнақ топишига кўмаклашадилар, минтақаларнинг миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг турли даражаларида миллий гуруҳларнинг вакиллари бўлишини таъминлайдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

АШХОБОД. (ЎзТАГ махсус мухбири). Туркманистонда Алишер Навоий кунлари тантанали очилиши олдидан икки қардош республика Президентлари И. А. Каримов билан С. А. Ниёзов туркман адабиётининг мумтоз Махтумқули ҳайкали пойига гуллар қўйишди ва бу маросим ўзига хос рамзий маъно касб этди. Зотан Навоий билан Махтумқули номлари икки халққа бирдек яқин ва азиздир.

Буюк ўзбек шоирининг адабий ва инсонпарварлик анъаналари кўплаб туркман шоирлари, носирлари, файласуфлари ижодига катта таъсир кўрсатди. Бу эса узоқ ўтмишда вужудга келган мустаҳкам дўстлик ришталарининг яна бир ёрқин далилидир.

Навоий кунлари тантанали очилишида сўзга чиққан Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов ва Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов икки республика давлат делегацияларининг учрашувлари ҳамда муҳим ҳужжатлар — Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши яхши қўшничилик муносабатларига янги омил бағишлаганини таъкидладилар. Ашхободда имзоланган ҳужжатлар биргаликдаги фаолиятнинг асосий йўналишларида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш ва куч-ғайратларни мувофиқлаштиришдек вазифаларни ҳал этишга имконият яратади.

Туркманистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, Туркманистон ССР халқ ёзувчиси Б. Худойназаров ва Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар илмгоҳининг директори А. П. Қаюмов Навоий ижоди ҳақида сўзладилар.

Тўпланганлар икки буюк шоир — Алишер Навоий ва Махтумқулининг саҳнада пайдо бўлишини узоқ давом этган қарсаклар билан олқишладилар. Алишер Навоий қиёфасини Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Е. Аҳмедов ва Махтумқули қиёфасини Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Туркманистон ССР Махтумқули номли Давлат мукофотининг совриндори А. Бердиев томошабинлар кўз ўнгида гавдалантирдилар. Ана шу ажойиб шоирлар ва файласуфлар қалами билан яратилган тинчлик ва дўстлик ҳақидаги шеърий мисралар неча асрлар оша бизгача етиб келди.

Тантанали кеча Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Туркманистонда давом этаётган Алишер Навоий кунларида Ўзбекистон ёзувчилари билан учрашувлар бўлади, шеърият кечалари ўтказилади, кўргазмалар очилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

6-модда.

Олий аҳдлашувчи томонлар (эҳтиёжга қараб) ўзбек ва туркман тилларида таълим бериладиган қўшимча ўқув гуруҳлари, синфлар, мактаблар очиш, Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва техникумларига туркманистонлик ёшларни, Туркманистон олий ўқув юртлари ва техникумларига ўзбекистонлик ёшларни таълим бериш учун қабул қилишни кенгайтириш, ўзбек ва туркман тилларини, адабиётларини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш учун Фанлар академиялари илмий-тадқиқот институтларининг таркибида илмий бўлинмалар ташкил этиш ўзбек ва туркман халқининг янада яқинлашувига, уларнинг маданияти бир-бирини бойитишига кўмаклашган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

7-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз халқлари ва давлатларининг сиёсат, иқтисод, маданият, соғлиқни сақлаш, экология, фан ва техника, савдо-сотиқ, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантира борадилар, бу соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида тегишли битимлар тузадилар, кенг миқёсда ахборот алмашишга кўмаклашадилар, ўзаро мажбуриятларга виждонан ва сўзсиз риоя этадилар.

Томонлар вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлар, даражасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг хилма-хил шаклларини қарор топтиришга, хўжалик, маданият ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар ва идоралар ўртасида бевосита кенг алоқалар ўрнатишга интиладилар.

8-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ҳар бирининг мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларини мустақил белгилаш ҳамда тартибга солиш, ижтимоий адолат ва муҳофаза асосларини рўёбга чиқариш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Бир томоннинг бошқа томон ҳудудида жойлашган давлат мулкининг, юридик шахслари ва фуқаролари мулкининг ҳуқуқий режими тегишли битимлар билан тартибга солинади.

9-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида, шу жумладан, умумий мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга ошириладиган ўз ҳамкорликлари доирасида:

— инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;

— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— чет элларда миллий кадрлар тайёрлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— Умумиттифоқ бозорини ва республикалараро бозорни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда, бож сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— энергетика, транспорт, информатика, алоқа системаларини, шу жумладан, ер йўлдошлари орқали алоқалар ва телекоммуникацияларни ривожлантириш ҳамда бошқариш;

— саноат ишлаб чиқариши структураларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулотларни ўзаро манфаатли алмашувни амалга ошириш, биргаликдаги корхоналар барпо этиш;

— темир йўл, автомобиль йўллари ва бошқа қатнов йўли шахобчаларини кенгайтириш;

— инвестиция сиёсати ўтказиш ва қурилиш базасини ривожлантириш;

— қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат билан таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— иккала томоннинг халқ хўжалиги манфаатлари йўлида сув ва бошқа ресурслардан биргаликда фойдаланиш;

— экология ва сейсмология соҳасида куч-ғайратларни бирлаштириш, ягона экология хавфсизлиги системасини яратишда иштирок этиш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

— Оролнинг экология системасини тиклашда, бу минтақада яшовчи аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашда иқтисодий, ташкилий, техникавий ва ўзга йўсинда ҳамкорлик қилиш;

— меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва миграция сиёсати;

— жиноятчиликка қарши кураш масалаларини киришини эътироф этадилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар ана шу ва томонларнинг бошқа муштарак манфаатларини рўёбга чиқарадиган мувофиқлаштирувчи умумий институтлар давлатлар ўртасидаги шартномалар ва ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилиши мумкинлиги хусусида келишиб олдилар.

10-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг иқтисодий муносабатлари:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари;

— маҳаллий бошқарув идоралари;

— банклар ва молия системаси;

— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклларига асосланган, шу жумладан, биргаликдаги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар;

— якка тартибда иш кўрувчи тадбиркорлар даражасида бевосита алоқаларнинг, иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларининг, фан ва техникага оид муносабатларнинг устун даражада равнақ топишини таъминлашга қаратилган битимлар орқали тартибга солинади.

Томонлар хўжаликлараро муносабатлар, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, ўзаро савдо-сотиқ, барча турдаги алоқа ҳамда ташишга оид аниқ механизмлар, шунингдек, иқтисодий ва ахборотлар айирбошлашга доир ҳамкорлик масалалари ҳукуматлараро битимлар орқали тартибга солиниши хусусида келишиб олдилар. Томонлар бир-бирларига зиён етказиши мумкин бўлган издан чиқарувчи иқтисодий чоралар қўлламайдилар.

11-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, тўловлар нарх-наволар ҳамда қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида, шунингдек, жаҳондаги нарх-наволар даражасига мослаша борган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муддатлари ҳақида ҳукуматлараро битимлар тузадилар. Бу ҳали битимларнинг тугал рўйхати эмас.

12-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларидаги ҳаво портлари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, денгиз ва дарё йўллари шохобчалари ҳамда магистрал қувурлар орқали юкларнинг транзит ҳаракатини таъминлайдилар.

Транзит ҳаракатини таъминлашнинг шартлари ва тартиби томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

13-модда

Ушбу шартнома моддаларини шарҳлаш ва изоҳлашга доир баҳслар музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим.

14-модда

Ушбу шартнома олий аҳдлашувчи томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

Ушбу шартнома учинчи томонларга қарши қаратилмаган.

15-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Олий Кенгашларнинг делегациялари, шунингдек, Президентларнинг шахсий вакиллари даражасида ушбу шартноманинг ижросига доир масалалар бўйича мунтазам равишда икки томонлама машваратлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

16-модда

Ушбу шартнома ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Тошкент шаҳрида айирбош қилинади.

Ушбу шартнома ратификация ёрлиқлари айирбош қилинган куни кучга киради.

17-модда

Ушбу шартнома ўн йил муддатга тузилади.

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишда давом этишининг қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машваратлар доирасида музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Олий аҳдлашувчи томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу шартноманинг қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Башарти, томонлардан ҳеч бири шартномани бекор қилиш истагини шартнома муддати тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги ўн йиллик муддатга узайтирилади.

1991 йил 21 апрель куни Ашхобод шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди. Бунда учала матнинг ҳаммаси бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Туркманистон Совет Социалистик Республикаси номидан

Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида 1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати, бундан кейин томонлар деб аталади, иқтисодий мустақиллик, тенгҳуқуқлилик ва анъанавий дўстона қўшничилик муносабатлари принципларига асосланиб, 1991 йилги иқтисодий битимнинг ижобий аҳамиятини ҳисобга олиб, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида ушбу ҳукуматлараро битимни тузишга қарор қилдилар.

1-модда

Томонлар бошқариладиган бозор иқтисодиёти структураси ва механизмини шакллантириш борасидаги куч-ғайратларини иқтисодий интеграцияга доир умумий стратегия асосида бирлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2-модда

Томонлар ўзаро муносабатларни корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳудудий ёки давлат бошқаруви идоралари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида ўзларининг ваколатлари доирасида тузиладиган тегишли шартномалар, битимлар ёки протоколлар асосида амалга оширишга келишиб олдилар.

3-модда

Томонлар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида бир-бирларига хом ашё, маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича бевосита хўжалик алоқаларини бозор муносабатларига ўтишни ҳисобга олиб сақлаб қолишишига, ўрнатилишига ва кенгайтирилишига, шунингдек, шартномалар ва алоҳида қабул қилинган буюртмалар бўйича тўлиқ етказиб берилмаган маҳсулотлар ўрнини қоплаш ишига ёрдам берадилар.

4-модда

Томонлар республикалар ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, мулкий шаклидан ва қайси идорага тобелигидан қатъи назар, ҳамкорликни амалга оширишда қатнашишлари мумкин. Томонлар рози бўлишган тақдирда ҳамкорликда республикалардан ташқарида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, хорижий иштирокчилар ҳам қатнашишлари мумкин.

5-модда

Томонлар етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларда амалдаги прейскурантлар ва шартномавий нархлардан (сўмда) фойдаланадилар. Томонлар бир-бирларига иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар қилмайдилар.

6-модда

Томонлар Оролбўйи аҳолиси турмушининг ижтимоий-иқтисодий, санитария-эпидемиология ва экология шарт-шароитларини тубдан ўзгартириш бўйича 1991—1995 йилларга ва 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли Иттифоқ-республика дастурининг амалга оширилишида куч-ғайратларини бирлаштиришга ва фаол иштирок этишга келишиб олдилар.

7-модда

Томонлар Амударёда оқадиган сувни тенг ҳуқуқли асосда баравар улушда (Керки сув ўлчаш пости орқали) тақсимлаш масалаларини ҳал этиш зарур деб топиб, биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, республикалараро коллекторларни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш, суғориш системаларидан фойдаланиш, ўз ҳудудларида вужудга келадиган оқава сувларни Амударёга ташланишига йўл қўймаслик мақсадида сув ташланадиган иншоотлар, шунингдек, коллекторзовурлар тармоқлари қуришга доир техник масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўришга келишиб олдилар.

8-модда

Томонлар бир-бирларига маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун барча транспорт турлари ишларини мувофиқлаштириб турилишини таъминлашга келишиб олдилар.

9-модда

Томонлар республикалар халқ хўжалик комплексларини ривожлантиришга доир йирик регионал масалаларни ҳал этишда иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида:

«Сеидн-Тахиятош» юқори вольтли электр узатиш линияси (ЛЭП-500) ва «Тежен-Сарахс — СССРнинг жанубий чегараси» темир йўли қурилишини биргаликда амалга оширишни;

Туркманистон ССРдан олтингугуртли газ етказиб берилишини назарда тутиб, Муборак газни қайта ишлаш заводи базасида қўшма корхона ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқишни;

Каспий денгизи бандаргоҳларидан ташқи бозорга чиқиш мақсадида биргаликда фойдаланиш (зарур ҳолларда уларни таъмирлаш) масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

10-модда

Томонлар 1992—1995 йилларда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР олий ўқув юртларида ўзбек ва туркман тилларида таълим оладиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш миқдорини белгилаб чиқишга келишиб олдилар. Айни вақтда 1992 йилдан эътиборан Туркманистон ССРнинг ўзбек тилидаги мактаблари учун педагог кадрларни, шунингдек, тегишли бошқарув идоралари ўртасидаги шартномалар ва протоколлар асосида бошқа ихтисосдаги кадрларни ўқишга мақсадли қабул қилиш ва тайёрлашга қарор қилдилар.

Ўзбек ва туркман тилларида ўқитиладиган мактаб ҳамда ҳунар-техника билим юртларини оқилона тақсимлаш масалаларини таҳлил қилиб чиқиш ва зарур бўлганда эса улар тармоғини қайта ташкил этиш, ҳудудларнинг этник-маданий ва нуфусий хусусиятларини ҳисобга олиб янги мактаблар барпо этиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ деб топдилар.

11-модда

Томонлар Каспий денгизи соҳилларида аҳолининг дам олиши учун тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида 1992—1995 йилларда вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар пайчилиги асосида биргаликда фойдаланиладиган дам олиш манзиллари қуришни назарда тутишга келишиб олдилар.

12-модда

Томонлар маданият кунлари, театр санъати фестиволлари, машшоқлар ва ҳофизлар кўриклари, китоб кўргазмалари ўтказиш тажрибасини тиклашга, шунингдек, теле ва радиопрограммалар алмашишни кенгайтиришга ҳамда тўғри эфирда радио ва телеқўприклар ташкил этишни таъминлашга шартлашиб олдилар.

13-модда

Томонлар ҳар йили келишилган муддатда республикалараро маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва структурасини ҳолисона кўриб чиқиб, тасдиқлашни ва бунда уларнинг янада ривожланиш истиқболларини, ўзаро манфаатларни ва шерикчиликнинг тенг асосда бўлишини ҳисобга олишни зарур деб топдилар.

14-модда

Томонлар Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССРнинг ўзаро маҳсулот етказиб бериш бўйича олган мажбуриятларига амал қилишлари учун тўла масъулдирлар ва биргаликда хўжалик субъектларининг уларнинг манфаатларини камситишга қаратилган ҳар қандай уринишларини бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Томонлар мазкур битимнинг ижроси тўғрисида бир-бирларига вақти-вақти билан маълумот бериб туришга келишиб олдилар.

15-модда

Мазкур битим имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва томонлардан бири жорий календарь йили тугашидан уч ой муқаддам уни ўзгартириш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида истак билдирмагунга қадар кучда бўлади.

1991 йил 21 апрелда Ашхабод шаҳрида барча матнлари тенг кучга эга бўлган иккитадан нусхада: ўзбек, туркман ва рус тилларида имзоланди.

Ўзбекистон ССР ҳукумати учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Туркманистон ССР ҳукумати учун Туркманистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

С. НИЕЗОВ

М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев Японияга ва Корея Республикасига қилган расмий ташрифларини тугаллаб, 20 апрель куни Москвага қайтиб келди. СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних ва Президентнинг сафарида ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳам у билан бирга келдилар.

Аэродромда Совет давлатининг бошлиғини СССР вице-президенти Г. И. Янаев, СССР Бош вазири В. С. Павлов, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари В. В. Бакатин, В. А. Крючков, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Япония ва Корея Республикасининг СССРдаги муваккат ишлар вакиллари бор эди.

(ТАСС).



Андижондаги тажриба заводи нефть ва газ саноати ходимлари учун техник мосламалар ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: илғор токарь шаҳар Совети депутати Фахриддин Исроилов.

Т. ҒОФУРОВ олган сурат.

ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

19 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг республика Конституция комиссияси тасдиқлаган лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда гуруҳнинг ўзининг, шунингдек бўлажак лойиҳа ҳар бир бўлими юзасидан ёрдамчи гуруҳларнинг ишини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Янги қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССР мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияда эълон қилинган қоидаларга тўла мос келиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ишчи гуруҳи республика Давлат Нишони ва Байроғи тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқувчи мутахассислар гуруҳи таркибини тасдиқлади. Бу гуруҳга фан, маданият ва санъат соҳаларининг таниқли арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислар киритилди.

Мажлисда шунингдек гуруҳнинг иш режаси тасдиқланди, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

Ахборот

● ЖИЗЗАХ

ЯНГИ НАШР

Ойига икки марта чиқадиган вилоят ижтимоий-сиёсий маркази ва вилоят матбуот бошқармасининг нашри «Акс-садо» деб номланди.

Мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда рўй бераётган мураккаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий воқеаларга турли партияларнинг, сиёсатшуносларнинг, оддий кишиларнинг муносабати қандай?

«Акс-садо»нинг жамоатчилик таҳририяти ўз олдига турли хил шов-шув, олдиқочди гапларни эмас, балки ана шу масалалар хусусида турли манбаларда берилаётган мулоҳазалар, қизиқарли мақола ва хабарларни муштарийларга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Янги нашр маънавий қадриятларни тиклаш, иқтисодий мустақиллик, инсон ҳуқуқини муҳофаза қилиш борасидаги саъйи-ҳаракатларни тўғри мушоҳада қилишда кенг оммага ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

УЙ ҚУРУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Хусусий уй-жойлар қурилиши ҳажмининг кескин ошиши вилоят аҳолисига қурилиш анжомлари етказиб беришни қатъий тартибга солиш, буюртмалар қўламини кенгайтириш заруратини туғдирмоқда.

Бу борада амалга оширилган тадбирлардан бири «Ульянововодстройматериал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилиши бўлди. Яъни Жиззах оҳак заводи, Ғаллаорол, Сайхон ғишт заводлари, Ульяноводаги сопол ва девор материаллари корхонаси ҳамкорлигида фаолият кўрсата бошлади. Келгусида бирлашмага Жиззах Цемент заводи, Ульяново уйсозлик комбинати бир неча мармар ва гранит плиталар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш цехларининг қўшилиши. Учқулоч яқинида цемент заводининг қурилиши унинг қувватини янада оширади. Муҳими, шахсий уй-жой қурувчиларга хизмат кўрсатиш қўлами кенгайиб, сифати таъминланади. Айни пайтда бирлашмада тандир, кўза, хум каби хўжалик учун зарур молларни ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Луқма

Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби хонасидаги стол устида керки ва чўғдек қип-қизил бир парча тузга кўзингиз тушади. Бу қирмизи туз бўлаги Қамаши районидаги Бойбича туз кони маҳсулоти экан. Ҳисор тизма тоғлари этагидан ўтган асрда топилган бу ноёб хазина улкан туз қатламига эга. Унинг Бойбича дея номланишининг ўзига ҳос тарихи бор. Бу ҳақда эл оғзида бир қанча ривоятлар ҳам юрибди.

Улардан бири ҳақида тўхталамиз: тоғлиқ қарияларнинг ҳикоя қилишича, ўтган асрларда маҳаллий бойнинг қўйчивони Неккадам ва Орол аканинг ўн бир фарзанди бор. Кам маош билан бўлса ҳам ўғил-қизларини турли касб эгалари қилиб тарбиялямоқда. Катта ўғил Исмоил ота-бобоси каби туз казувчиликни танлади. У беш йилдан бери шу касбни улгламоқда. Ота-бола керки ёрдамида ҳар куни 250—300 килограмм туз қазиб олишяпти.

Ғайрати жўшиб ишлаётган яна бир нуроний киши диққатимизни тортди. У коллективда мураббий, ўз меҳнати билан ҳурмат топган Эшқул ака Ҳайдаров экан.

— Менинг ҳам Бойбича конида ишлаётганимга ўттиз тўрт йил бўляпти,

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

унинг хотини Бойбича болалари билан бир сурув қўйни ҳайдаб тоққа, қалин арчазорга келиб қўним топишган. Улар қўлбола қўтон ясашган, капа-уй қуриб яшай бошлашган.

Ишлар саришта бўлгач, Бойбича қозон ўрнатиш, қумғонда чой қайнатиш мақсадида ўчоқ қазишга киришади. Аёл харчанд уринмасин, тошдан ҳам қаттиқ қиялик ердан фақат заррачалар гина чирт этиб учиб, сачрарди. Қандайдир зарра Бойбичанинг терлаб турган бетига келиб тегиб, ачиштирарди. Шундан кейин у ялаб кўриб, эри Неккадамга тузга ўхшаш нарса чиққанлигини айтади. Ўшандан бери бу жой Бойбича номи билан юритилар эмиш...

Лекин ҳозир ҳам Бойбича кони механизациялашмаган. Туз ҳамон машаққат билан қўлда қазиб олинмоқда. Орден тақмаган, шон-шуҳратдан анча йироқ бу кишилар меҳнати қаҳрамонликка тенг десак ҳато қилмаймиз.

Шундайлардан бири — Орол ака Муродов. Сочлари оқара бошлаган, олтмиш баҳорни қаршилаган бу оддий инсон Фрунзе номли давлат хўжалигидаги мазкур конда ўттиз тўрт йилдан бери тер тўкиб ишламоқда, қанчадан-қанча туз қазиб олмоқда. Йигирма метрча чуқурликдаги шахтага зина билан тушиб, унинг ишини кузатдик. У ёшларга хос ҳаракат қилар, керки зарбидан парча-парча туз кўчиб чиқарди. Ҳусан Маҳсумов бошлиқ шахтёрлар бригадасининг пешқадам аъзоси Орол Муродов кексаликка тан бераётгани йўқ.

Дея оҳиста сўз бошлади у. — Биз ота-боболаримиз касбини давом эттиряпмиз. Туз қазиб олиш ва уни юқорига олиб чиқиш, кўриб турибсизлар, қўл кучи билан бажариляпти. Бу нақадар оғир. Бироқ начора? Кўникиб қолганмиз. Агар кон механизациялашса ёш авлод ҳузур қилиб ишларди.

Кўп йиллардан бери Орол ва Эшқул акалар билан белашиб ишлаётган Шоди Омонтурдиев, Режаб Худойбердиев, Сафар Рўзибоев, Муҳаммад Худойбердиев каби туз кони фидокорлари билан ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Улар конда унумли меҳнат қилиш учун қулайликлар яратилмаётганлиги, туз қазиб олиш қўлда бажарилаётганлиги, бундан чўчиган ёшлар ишга келишмаётганлигини ташвишланиб гапирдилар.

Дарҳақиқат, конни механизациялаш муаммосини ҳал этишга маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг кучи етмаётган кўринади. Жумҳурият Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлари эса озиқ-овқат ва чорвачилик учун қўл келадиган бу хом ашёни қазиб олиш ишларини такомиллаштиришга эътиборсиз қарашяпти.

Бир сўз билан айтганда, Бойбича туз кони ёрдамга муҳтож. Қолаверса, кон ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплайди. Эзгуликнинг кечи йўқ. Ахир керки билан биллурдек товланувчи туз намунаси вилоят партия қўмитасида турган экан, демак, бу масала яқин орада ҳал этилса ажаб эмас.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НУКУСГА ТУЯМЎЙИНДАН СУВ КЕЛДИ

Орзиқиб кутган кунлар келди. 245 километр узунликдаги Туямўйин-Нукус сув ўтказгичининг биринчи навбати қурилиши тугалланди. Бош пудратчи—Туямўйин «Гидроэнергострой» трести сув ўтказгич тармоқ участкаларини қуриб бераётган «Арлводстрой» ихтисослашган бинокорлик ишлари бирлашмаси қурувчи-мутахассислари ғайрат кўрсатиб ишладилар.

Нукус шаҳри аҳолиси биринчи марта Туямўйиннинг тозаланган ичимлик сувидан фойдалана бошлади. Мутахассислар нинг фикрича, Туямўйин сувининг кимёвий таркиби ҳозиргача ичиб келинаётган Нукусдаги ичимлик сувга қараганда анча яхши — сифати нормага яқинроқ.

Сув ўтказгич қурилиши чўзилиб кетган бўлса-да, сув ўтказгич (водовод)нинг ишга тушиши ҳозирги экологик оғир шароитда Қорақалпоғистон республикаси меҳнаткашларини ичимлик об-ҳаёт билан таъминлашни яхшилашда дастлабки қадам бўлди. Қурилишдаги баъзи камчиликларни ҳисобга олмаганда асосий яратувчилик ишлари тугалланди.

— Ҳар кеча-кундузда юз минг куб метр сув чиқариб бераётган Туямўйин насос станциясида иккита двигатель ишлаб турибди. Биринчиси 23 атмосферада, иккинчи (ёрдамчи) двигатель эса 9 атмосферада сув тортиб бермоқда, — деди Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Наврўзбой Саидов. Шу кеча-кундузда Нукус шаҳар аҳолисига 65 минг куб метрдан сув етказиб берилянти.

Июнь ойининг охирларига бориб Кегайли районига ва Халқобод шаҳрига ҳам сув бериш мўлжалланмоқда. Тўртинчи квартал мобайнида эса Чимбой шаҳри аҳолиси Туямўйининг тозаланган сувидан баҳраманд бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Суратда: Наманган вилоят, Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги дала шийпонида ташкил этилган атлас цехи бошлиғи Асадулло Жалилов билан тўқувчи Ҳакимбой Маҳмудов тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришаётган пайт.

Цех ташкил этилганига саккиз ой бўлди. Шу вақт ичида 2 минг метрдан ортиқ атлас тўқилди. Қисқа вақт ичида 25 минг сўм фойда олинди. Бу ерда яна тўртта дастгоҳ ўрнатилмоқчи.

Суракаш Т. ҲАМРОҚУЛОВ.

• *Қарор ва ижро*

ТЕКИН ТУШЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан талабалар ва ўқувчи-ёшлар учун имтиёзли умумий овқатланишни жорий этиш тўғрисида» ги қарори Жиззах вилояти олий ва ўрта махсус илмгоҳларида ҳозиржавоблик билан амалга оширила бошланди. А. Қодирий номидаги муаллимлар таёрлаш олийгоҳида 2 минг 600 нафардан зиёд талабага 1 сўм 50 тийинлик қийматга эга бўлган талонлар тарқатилди. Бу ердаги ошхонада эса 1,5 сўмга бемалол тушлик қилса бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам талабаларга бир қатор қулай шароит яратилган. Улар талон билан илмгоҳ ва ётоқхонадагидан ташқари шаҳардаги уч-тўртта ошхонада овқатланишлари мумкин. Ҳатто жисмоний тарбия машғулотларида бўлган кезларда «Русский чай» кафеси улар хизматида бўлади.

— Талабаларимиз ўзларига кўрсатилган қўшимча ғамхўрликдан беҳад миннатдор бўлдилар, — дейди Тошкент политехника олийгоҳи Жиззах филиали партия қўмитаси котиби Ҳикматулла Турматов. — Биз эса қарор бекаму кўст бажарилишини таъминлаш чорасини кўряпмиз. Бунинг учун шаҳар умумий овқатланиш корхонаси, вилоят савдо бошқармаси раҳбарлари билан филиалимиз буфетига, олийгоҳ яқинидаги ошхоналарга қўшимча маҳсулотлар бериш масаласини келишиб олдик. Беруний ширкати эса 180 ўринли ошхона қурилишини йилнинг иккинчи чорагида тугаллашни ўз зиммасига олди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ

• Шу кун мавзуида

● ХОРАЗМ

Ҳосил бир кунда етишмайди. У машаққатли меҳнат, бугунги кунда амалга оширилган тадбирлар эвазига яратилади. Ҳозир кўкламнинг энг долзарб палласи. Шу боисдан Хоразм вилояти агросаноат ширкати уюшмасининг ранси Раҳимберган Матрасулов билан суҳбатимиз ана шу кўклам ташвишлари ҳақида борди.

— Бултур вилоятимиз жумҳуриятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган, бошқа соҳалардаги натижалар ҳам чакки бўлмаган эди. Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида жами 586,4 миллион сўм даромад олинди. Бу 1989 йилга нисбатан 60 миллион сўмдан ортиқдир, — деб сўз бошлади у. — Ери шўр, ҳавоси намчилтоб, Орол минтақасида жойлашган вилоятимизда шундай даромад олишнинг ўзи бўлмайди. Қанчалик дабдабали туюлмасин, бу деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Турган гапки, бундан ўтган йили қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлар кўнгилдагидек бўлди, деган хулосага келмаслик керак. Хатоларга йўл қўйилмаганда, барча имкониятлар ишга солинганда даромад бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Биринчи навбатда уруғчиликда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Бу сабзавот, полиз ва картошкачиликда айниқса ўз салбий таъсирини кўрсатди. Хонқа, Хивадан бошқа вилоятимиздаги биронта районда сабзавотчилик бўйича режалар бажарилмади. Қовун, пиёз уруғининг тенг ярмигина юқори даражада унib чиқди, холос. Бу масалага эътиборсизлик туфайли Хоразм қовунчилигининг шуҳрати йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги, маҳсулот сифати талабдан анчагина орқада қолаётганлиги кишини безовта қилади.

Ёки бошқа бир жиҳатни олиб кўрайлик. Кўчат етиштиришдаги ишлар ҳам бизни қаноатлантирмади. Хоразмда мазкур юмуш билан шуғулланувчи якка-ю ягона жамоанинг фаолиятидан боғбонларимизнинг кўнгли тўлмаяпти.

Ҳозир муваффақиятлар хусусида эмас, балки камчиликлар, ишга солинмаган имкониятлар хусусида гап бошлаганимнинг боиси бор. Биз бу йил бозор иқтисодиёти шароитида ишлай бошладик. Бозор на камчиликни, на сифатсизликни тан олади. Унга йўл қўйдингми, ўзингдан кўр. Охир-оқибатда қарзга ботишинг, таназзулга учрашинг турган гап. Ҳар ким ўзига етарли харажатни ўзи ишлаб топмоғи лозим. Шунинг учун биз мутахассис ва деҳқонларни янгича шароитда уддабуронлик ва оқиллик билан иш юритиш, ўтган йиллардаги нуқсонларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришга даъват этяпмиз.

— Кейинги кунларда обиҳавонинг ўзгариши, устма-уст ёққан ёмғирлар экиш ишларига салбий таъсир кўрсатди. Ҳавонинг ўзгаришини ва иқлимий шароитни ҳисобга олганда ҳозир вилоят деҳқонлари олдида катта вазифа турибди. Улар экиш юмушларини ғоят қисқа муддатда, уюшқоқлик билан ўтказишлари учун ҳамма имкониятни ишга солишяптими?

— Вилоятимизда экиш ишларининг ҳозирги аҳволини аввалги йиллар билан таққослаганда тўрт-беш кун кечикяпти. На илож, обиҳаво ҳар доим ҳам деҳқон кўнглига қарайвермайди. Лекин шуни қайд этиш керакки, уруғ етарли, трактор ва экиш воситалари яхши созланган. Деҳқонларнинг меҳнат ва дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ўтган йиллари экиш пайтида ёнилғи-мойлаш материалларининг етишмаслиги кўп қийинчиликлар туғдирган эди. Бу йил мазкур муаммо тўла ҳал этилди. Масалан, 1990 йил кўклами учун 29 минг тоннадан ортиқ ёнилғи олинган бўлса, ҳозирги вақтда 33 минг тонна олинди. Бу омборларда сақланмасдан, бевосита хўжаликларнинг ўзига етказиб берилди.

Эҳтиёт қисмлар масаласида ҳам қийинчиликлар бўлмайди, деб ўйлайман. Бу борада корхоналар билан ўзаро шартнома тузиб, маҳсулотлар айирбошлаш асосида мазкур масалани ҳал қилиб қўйганмиз.

Аммо кўкламги ишларга пухта тайёргарлик кўрилишига қарамай, эртаги экинларни экишда Урганч, Хазорасп, Қўшкўпир, Янгиариқ районларида сусткашликка йўл қўйилаётир. Бу камчиликларни тузатиш чоралари кўриляпти.

Кўп йиллик тажрибадан шу нарса маълумки, вилоятимиз шароитида экиш ишларини май ойигача тугаллаш мақсадга мувофиқдир. Деҳқонларнинг айни кунлардаги куч-ғайрати шунга қаратилган. Муддат оз қоляпти. Шу боисдан барча хўжаликларда экиш юмушлари икки сменада ташкил этиляпти. Механизаторларнинг меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириляпти. Ўйлайманки, улар ўз аҳдларининг устидан чиқадилар.

Ҳозир қўл қовуштириб турадиган пайт эмас. Бугуннинг ҳар бир куни, дақиқаси ғанимат. Деҳқонларимизнинг мақсади экиш ишларини сифатли ўтказишдир. Аминманки, хоразмлик деҳқонлар бу режани уддалашиб, кузги ҳосил учун ҳозиردан пухта замин яратишади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Тавсия ва маслаҳатлар*

ТЎЛИҚ КЎЧАТ ОЛИШГА ЭРИШАЙЛИК

Бу йил баҳор анча кеч келди. Илгари чигит экишни март ойининг учинчи ўн кунлигида бошлаган бўлсак, бу йил апрель ойининг биринчи ўн кунлигида бошладик.

Апрель ойининг дастлабки кунлари чигит экишга жуда қулай бўлди. Ҳарорат о.этдагидан 3—8 даражадан юқори бўлди. Аммо сўнгги кунларда ҳарорат пасайди. Бундай ҳолат сўзсиз чигит экишга анча-мунча халақит берди.

Шунга қарамай кўпчилик ерларда чигит униб чиқмоқда. Бироқ бу муҳим агротехник тадбирни сифатли қилиб ўтказишга ҳамма ерда ҳам эътибор бирдай эмас. Илгор хўжаликлар чигит экишни сифатли тамомлаб, ғўза парваришини бошлаб юборишди, айрим хўжаликлар эса бу ишни сусткашлик билан олиб бормоқдалар. **Чигит экиш суръатини жадаллаштирмасак, энг қулай фурсатни бой берамиз, ҳарорат кўтарилиб кетади, тупроқ намлиги кескин камаяди. Натижада шўрланган ерларда текис, соғлом ва тўлиқ кўчат олишга эришолмаймиз. Чигитни ундириб олиш учун чигит суви беришга ҳам мажбур бўламиз. Унинг фойдасидан кўра, зарари кўп.** Боиси, чигит суви тупроқ ҳароратини пасайтиради. Сувнинг нотекис далаларга тарқалиш даражаси бир хил бўлмайди ва ғўза ниҳоллари текис униб чиқмайди. Агар ҳозир ғўза ривожи учун қулай кунлардан тўлиқ фойдалана олмасак, ҳосилдорлик камаяди, ғўза кечпишар бўлади ва ҳосил сифати кескин пасаяди.

Миришкор деҳқонларимиз чигит экишни кўп ерларда маҳаллий шароитларга мос агротехник усуллар қўллаб сифатли қилиб ўтказмоқдалар ва ҳар йили ижобий натижаларга эришмоқдалар. Биз яқинда Наманган вилоятида бўлиб, уларнинг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишдик. Улар сифатли қилиб тайёрланган ерларга экишдан олдин минерал ўғитлар солиб, пушта олиб, сўнг эгатларга қисқа муддат сув қуйишяпти, ер етилиши билан эгатнинг устки қисми қарийб 5 сантиметрини махсус созланган зиг-заг бароналар ёрдамида олиб ташлаб, эгатнинг тепасига, сернам тупроққа сифатли қилиб чигит экмоқдалар. Бунда чигит энг қулай тупроқ қатламига тушиб, униб чиқади.

Чигитни пуштага экиш кўп ерларда қўлланилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу усулни кенг қўлласак хато қилмаймиз.

Ҳали чигит экилмаган ерларда намлик етарли даражада бўлмаса, бу йилги шароитда Наманган пахтакорларининг тажрибасини қўллашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозиргача чигит экишни асосан тамомлашимиз керак эди. Бироқ чигит экилмаган майдонлар ҳали оз эмас. Айтмоқчимизки, ҳар қандай шароитда ҳам чигит экишни жадаллаштиришимиз, бу муҳим ишни яқин кунларда тамомлашимиз шарт.

Маълумки, ғўза ниҳоллари апрель ойининг учинчи ўн кунлигида тўлиқ ўстириб олинган бўлсагина ғўзадан энг юқори, тезпишар ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Албатта, айрим сабабларга кўра, шимолий районларда май ойининг дастлабки ўн кунлигида ҳам чигит экишга тўғри келади. **Чигит кеч экиладиган бўлса, шу минтақаларга тавсия этилган тезпишар ғўза навларининг уруғини экиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Чигитни ўз вақтида, сифатли қилиб экиш дастлабки муҳим вазифадир. Буни ҳеч ким инкор қилаолмайди. Аммо экилган чигитдан текис, соғлом кўчат ундириш мушкул вазифадир.

Чигитнинг яхши униши ва соғлом ниҳол бериши кўп омилларга боғлиқ. Аввало, тажрибали пахтакор ғўза ниҳоллари униб чиқиши даврида қалин ва қаттиқ қатқалоқ бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Қатқалоқнинг пайдо бўлиши об-ҳавога, тупроқнинг унумдорлигига ва унинг кўпчилик хусусиятларига боғлиқ. Қатқалоқ билан кураш усуллари хилма-хил. Буни деҳқонларимиз яхши билишади. Уларни ўз вақтида шароитга қараб қўлланиб, доимо ижобий натижаларга эришиб келинган.

Қатқалоқдан ғўза ниҳоллари ўз вақтида қутқазилмаса, у ниҳолларнинг илдизини қаттиқ қисиб қўяди. Натижада бундай ниҳоллар нобуд бўлади, уларни қатқалоқ «занжири»дан қутқазганда ҳам ниҳоллар соғлом ривожланмайди, кўчатлар сони сийраклашади.

Ғўзанинг ўсиши учун агротехник тадбирларни сифатли қилиб ўтказиш катта аҳамиятга эга. Сифатли қилиб ўтказилган культивация тупроқнинг майиндорлигини таъминлайди, тупрок таркибидаги намнинг бугланиб кетишига тўсқинлик қилади. Намлик узоқ сақланади ва ғўзанинг ўсишига ёрдам қилади. **Кенг ва чуқур ўтказилган культивация намликни сақлашдан ташқари ғўза қатор ораларида ривожланаётган ёввойи ўтларнинг қарийб 98 фоизини қириб ташлайди. Бу ҳам ниҳоллларнинг соғлом ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.**

Ғўза қатор ораларини ишлаш усули тўғрисида ҳар хил фикрлар бор. Айрим мутахассислар ғўза ҳали яхши ривожланмаган, илдизлари юза жойлашган ва шунинг учун ҳам культивацияни саёз ўтказиш керак, деган фикрни тарғиб қилиб, ҳосилдорликка путур етказмоқдалар. **Ваҳолонки, биринчи культивацияда культиваторларнинг ишчи воситаларини кўпайтириб, иложи борича унинг чуқур ва кенг ўтказилишини таъминлаши керак.**

Биринчи культивация сифатли ўтказилган, намлик кўп бўлган ерларда илдиз чириш касаллиги камаяди. Ҳарорат анча пасайиб, ёғингарчилик кўп бўлса, культивацияни такрор ўтказишга тўғри келади. Фақат шу йўл билан тупроқнинг майин ҳолати ҳамда унга етарли ҳаво ўтказишини таъминлаб, ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш мумкин.

Биринчи культивацияни ғўза қийғос униб чиқиши билан ўтказиш тавсия этилади. Лекин культивация вақтида ниҳолларнинг тупроқ остида қолишига ва уларнинг зарарланишига йўл қўймаслик зарур.

Шу куннинг муҳим вазифаларидан бири барча майдонларда ғўза ниҳолларини текис ўстириб олишдир. **Шуни эсда тутиш керакки, фақат етарли даражада ва текис қолдирилган кўчат қалинлиги ҳосил тақдирини ҳал қилади. Муҳими — бир қарич ерда ҳам кўчатсиз жой бўлмаслиги даркор.**

Жумҳуриятимизда асосан 27 хил ғўза навлари экилади. Бу навлар ўсиши, ривожланиши хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ғўзани ягона қилган вақтда аввало ҳар бир ғўза навининг биологик хусусиятига эътибор бермоқ керак.

Деҳқонларимиз ер шароитини яхши биладилар. Шунингдек, қайси ғўза навини экишни, яганалаш, унинг муддати ва қанча кўчат қолдиришни ҳам яхши билишади.

Умумий қоида — эртапишар, говлаб кетмайдиган ғўза кўчатларининг ҳар бир гектарда қолдириладиган сони кўп бўлиши керак. Ўртапишар ғўзаларнинг туп сони ўртача, кечпишар ва бўлиқ ғўзаларнинг тупи эса камроқ бўлиши керак.

Кўчат қалинлиги тўғрисида турли тавсиялар бор. Улар юқорида айтилган қонун ва қоида асосида ғўзалар учун гектарига 90—140 минггача бўлиши керак, нигичка толали ғўзалар учун эса бундан 20—25 фоиз кўпроқ бўлиши даркор.

Қолдириладиган кўчат сони жуда сийрак ва ҳаддан ташқари қалин ҳам бўлмаслиги керак. Бу кўчатларнинг дастлабки кундан бошлаб то ҳосил пишгунга қадар қуёш энергияси ва ҳароратидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш зарур.

Ҳамма пахта майдонида кўчат тўлиқ униб чиққан бўлса, ҳар бир уяда биттадан кўчат қолдириш ҳосил дорликни ва унинг тезпишарлигини оширади. Ҳосил сифати ҳам яхши бўлади. Кўчат сийрак униб чиққан жойларда ҳар бир уяда иккитадан кўчат, қолдириш тавсия этилади. Олиб борилган кўп йиллик тажрибаларга кўра, энг кам ҳосил ҳар бир уяда тўрттадан кўчат қолдирилганда олинган. Шунинг учун асосий пахта далаларида ҳар бир уяда биттадан ва айрим ерларда иккитадан кўчат қолдириш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Ғўзанинг соғлом ва серҳосил бўлиб етишиши учун яганалаш муддатига эътибор бериш керак. **Ягана қанча барвақт ўтказилса, далада қолдирилган кўчатларнинг ривожланиши ва унинг ҳосилдорлиги шунча кўп бўлади. Яганалашни ҳар бир ғўзада то иккита чинбарг чиққунга қадар ўтказиш зарур. Агар ягана бу муддатдан кеч қилинса, кўчатлар ҳосилдорлиги камаяди.**

Маълумки, ғўзанинг илдизи дастлабки кунларда тез ўсади. Қалин ўсган кўчатларнинг илдизлари бир-бирига қисқа муддат ичида чирмашиб кетади. Бундай ғўзалар кеч ягана қилинса, илдизлари зарарланади ва унинг биологик фаоллиги сусаяди. Тажрибаларга кўра, заҳарланган ғўза илдизининг нормал ҳолатга келиши учун камида 25—28 кун талаб қилинади. Албатта, бунда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳам камаяди. Шунинг учун ғўзани барвақт яганалашга жуда эътибор беришимиз керак.

Ғўза яганасида кўпчилик колхозчи ва ишчилар қатнашади. Тажрибасиз яганачилар кўпинча бўлиқ кўчатларни юлиб нимжонларини қолдирадиган ҳолатлар ҳам учрайди. Шунинг учун барча яганачиларга бу ишни бошлашдан олдин яганани қандай ўтказиш кераклигини пухта ўргатиш зарур.

Айрим пахтакорларимиз об-ҳаво қандай келар экан, белгиланган кўчатларни қолдирсак, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар таъсирида кўчат нобуд бўлмасмикан, деб кўп кўчат қолдириб, катта хатога йўл қўядилар.

Биз пахтакорларимизнинг шу кунлардаги кечиктириб бўлмайдиган ишларига доир агротехник тадбирларга тўхталиб ўтдик. Уларга риоя қилиб иш олиб борсак, юқори ҳосил олиш учун пухта замин яратган бўламиз.

А. ИМОМАЛИЕВ,
ВАСХНИЛ академиги.

● БИР ХАТ ИЗИДАН

ЗАЁМ МОЖОРОСИ

Рўзномамизга келган шикоят хатларидан бирида Ильич районидаги Узоқов номли совхозда ўтган йили йиғилиш ўтказилиб, звено бошлиғи Абдураҳмон Назаровга енгил автомашина сотиб олиш учун фоизсиз, мақсадли заём ажратилганлиги айтилган эди. Шунингдек, хатда кейинчалик район раҳбарлари турли ноқонуний йўллар билан заёмни қайтариб олишга ҳаракат қилишаётгани баён этилганди.

Биз ушбу хатни текшириб, ҳал қилиш учун Сирдарё вилоятидаги ўз мухбиримиз А. Умаровга юборгандик. Унинг маълум қилишича, ҳақиқатан ҳам 1990 йил 29 май куни совхознинг ишчи назорати комиссияси мажлиси бўлган. Унда «Волга ГАЗ—24» машинаси сотиб олиш учун ажратилган заёмни А. Назаровга беришга қарор қилинган. Аммо кейинчалик райком биринчи котибининг топшириғи билан заёмни қайта тақсимлаш масаласи кўтарилган.

19 сентябрь куни хўжаликнинг 2-бўлими дала шийпонида район кенгаши котиби Ғ. Алижонов иштирокида умумий йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда заёмни бригада бошлиғи Холиқул Усаровга беришга қарор қилинди.

Бироқ йиғилишда керагидан кам одам иштирок этгани учун райижроқўм мажлис қарорини бекор қилди. 18 декабрь куни яна меҳнат жамоаси кенгаши йиғилиши ўтказилиб, заёмни А. Назаровга бериш ҳақидаги 29 майдаги қарор ҳақиқий, деб топилди. Хуллас, заём масаласи район миқёсидаги турли йиғилишларда бир неча бор муҳокама қилинди. Ниҳоят, А. Назаров номига вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини А. Кровновдан хат келди. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «...Заём сизга тўғри берилганлиги тасдиғини топди. Бу масалани қайтадан кўриш учун зарурат йўқ».

Кўриниб турибдики, масала равшан. Аммо кунн кеча А. Назаровнинг укаси У. Юсупов муҳарририятга келиб, район раҳбарлари акасига: «Заёмни беринг, сизга «Москвич» машинасини берамиз», деб яна тинч қўйишмаётганини айтди.

Биз вилоят ижроия қўмитаси заём можаросига чек қўйиб, ҳақиқат қарор топишини таъминлайди, деб умид қиламиз.

МУШТАРИЙЛАР ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ХАТЛАР БЎЛИМИ.

• *Қўй келади қўзи билан*

Қарнаблик чўпонлар ҳузурида

Бугун Қарнабчўлнинг таровати ўзгача: яйловлар, адирлар қуёшдан кўзи қамашиб уйғонаётган маликани эслатади. Шудринглар бўй чўзаётган майсалар кипригида биллурдек товланади.

Қўй-қўзиларнинг ризқи — ўт-ўланлар атрофга тўшалган. Битта баҳорининг ўзи учун қўйчивонликка умрингни бағишласанг арзийди.

15 йилдирки, Комил Эшонқулов бу лаҳзани қалбида туғён билан кутиб олади. Дилида қадрдон яйловларига, она-юртига, касбига меҳру муҳаббат туяди. Отасининг «Ўғлим, чўпонлик бу сурув ҳайдаш эмас, балки катта жасорат ва эътиқоддир», деган сўзларини эслаб қўяди. Дарвоқе, Содиқ ака ўғиллари Комил ва Пардабой билан бирга ишламоқда. Ҳар қалай, сурув ортида умрини ўтказаётган кишига чўпонлик таёғини ташлаш осон эмас экан.

Отардаги чўпон-чўлиқларнинг ташвиши янада ортган. Етмиш ёшли Абдураҳмон ота ва Мажид Комилов жониворларга кеча-ю кундуз кўз-қулоқ.

— 625 бош совлиғимиз бор. Уларнинг 390 таси ўтган йилги қўзилардир.

Комил билан суҳбатлашиб, қўйчивонликнинг кўплаб ақидаларини билиб олдик. Маълум бўлишича, улоқча ҳадеганда оёққа туриб кетмас экан. Қўзи эса бир ҳафта деганда ўзини ўнглаб олади. Шу боис эчкилар совлиқдан қарийб бир ой илгари қочирилар экан.

— Қўйнинг ризқи ерда, табиат бермаса, челаклаб боқиб бўлмайди, — дейди Комил вазминлик билан. — Аслида қўй суткасига 50 километргача юриши керак. Шунинг учун уларни кечаю кундуз яйловда боқамиз. Кошарда эса 3—4 соат дам олади, холос.

Суҳбатлашиб турганимизда қўйларнинг бири чўпонга суйкала бошлади. Қарашимизни сезган мезбонлардан бири «бу айғоқчимиз», деди.

Маълум бўлишича, чўпоннинг «арзанда»си бўларкан. Вақти-вақти билан унга қўлдан ем бериб тураркан. Чарчаган пайтида чўпон қўйнинг бўйнига боғланган иппинг бир учини ўзининг оёғига илдириб ухлайди. Сурув қўзғалса, «айғоқчи» эгасининг оёғидан торта бошлайди...

Ўтган йили отар қўйчивонлари ҳар юз бош совлиқдан 103 тадан қўзи олдилар. Бу йил ҳам кўрсаткич шундан кам бўлмайди.

Қоракўлчилик муаммоларига навбат келганда Комил янада тўлқинланиб кетди.

— СЖКдан қутилганимиз учун шукурлар айтамизу, аммо кўп камчиликларга ўзимиз айбдорлигимизни билмаймиз. Масалан, «Фалон чўпон сурувни қишловдан талафотсиз чиқарди», деб ёзасиз. Энди ўзингиз ўйлаб қаранг. Қанча парвариш билан 3—4 болангизни қишда шамоллатиб оласизу, 600—700 бош қўйни талафотсиз чиқарасизми? Биз эса нима учундир бу ҳодисани ҳашпўшлашга ҳаракат қиламиз.

Ёки бўлмаса қочиришни олиб кўрайлик. СЖКдан қутилган билан қочиришнинг муаммолари тугагани йўқ. Қарнабда қоракўлчиликнинг ўзига хос тажрибаси бўлган ёзда сурувлар сортлаштирилгандан кейин совлиқлар орасидаги қўчқорлар аҳта қилинган. Қўчқорлар алоҳида боқилган. Чунки насли бузуқ қўчқордан қочган совлиқларнинг қўзиси ҳам талабга жавоб бермайди. Биз айнан ана шундай қондаларни амалда қўллаганимиз туфайли биринчи навли сурт тери етиштиряпмиз.

— Унда режа, кўрсаткич нима бўлади?

— Энди чорвачиликни табиий ривожлантиришимиз керак. Сурувларни садоқатли чўпонларга ишониб топширайлик, токи «меники», «давлатники» деган тушунчалар йўқолсин. Бир вақтлар ҳар юз бош совлиқдан 205 тадан қўзи олганман. Бу йил эса мажбуриятимиз унинг ярмига тенг. Лекин ўшандаги териларнинг бешдаси бу йилгиларининг биттасига тенг келади.

Умуман, Абдураҳмон Ғафоров бошлиқ бўлим Пахтачи ноҳиясининг «Ленинчи чорвадор» давлат хўжалигида илғор жамоалардан ҳисобланади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Равшан Саидов, Ленин ордени соҳиблари Қувват Йўлдошев, Раззоқ Раҳмонов, Қаландар Эшонқулов, ёшлардан Сафар Муҳаммадиев, Азимбой Турсунов каби бош чўпонларнинг тажрибаси кўпчиликка маълум.

Фармон ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сурункасига уч кун Самарқанд шаҳри устида вертолет парвоз этди. Шаҳарликлар: «Суратга олишяпти. Эҳтимол янги фильм суратга олинаётгандир», деб тахмин қилишди. Бироқ...

Тахмин нотўғри чиқди. Ўтган йили шаҳар ва унинг атрофини геологик жиҳатдан планли тадқиқ қилиш ишлари бошланди. Бу — шаҳарликларга геологларнинг ўзига хос туҳфаси эди.

Сергели вертолётчилари шаҳар устида уч кун айланиб, махсус ускуналар билан экологик тадбирларни олиб бордилар.

Суратқаш Р. ҒАФУРОВ (ЎзТАГ).

КИЧИК КОРХОНА САМАРАСИ

Андижон вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг ташаббуси билан шу йилнинг март ойида «Прогресс» кичик корхонаси ишга туширилди. Вилоят марказида янги ташкил этилган корхонада қисқа муддатда тикув ва тўқув дастгоҳлари ўрнатилиб, ишсиз юрган маҳаллий хотин-қизлардан 150 нафари ишга жалб этилди.

Ҳозир бу ерда болалар камзуллари, мактабгача ёшдаги қизлар учун кўйлаклар тикилиб, вилоят савдо тармоқларига жўнатиляпти.

— Тез орада харидорлар талаб ва истаклари асосида маҳсулот турларини кўпайтирамиз, — дейди кичик корхона директори И. Орипов. — Йил охиригача 2 миллион сўмликдан знёд хилма-хил истеъмол буюмлари ишлаб чиқарамиз. Келгусида эса корхонани янада кенгайтириб, ишни икки сменада ташкил қиламиз. Ана шунда қўшимча яна 150 нафар киши иш билан таъминланади.

Ш. КЕЛДИЕВ.

• *Унутилмас сиймолар*

ДИЛБАР ҚЎШИҚЛАР ИЖОДКОРИ

Наврўз юлдузлари нур сочиб, муқаддас айём нафаси кезиб юрган ёруғ кунларда жонажон элига Наврўз гулларидек хушбўй ва ранго-ранг қўшиқларини узоқ йиллар давомида ҳадя этиб келган Куйчи хотирага келади.

У қўшиқларидек жўшқин ва беозор, дилрабо, беғубор қалб эгаси эди. Унинг қўшиқларида элу юртига, қалби дарё ва қўли гул замондошларига бўлган меҳри жўш уриб туради. Унинг қўшиқларида жаннатмакон диёрнинг ажойиб ва ғаройиб ранглари, муздек шалолалар ва шаффоф булоқларнинг кумуш садолари товланади. Унинг қўшиқларида Навоий ва Бобур тилининг ўлмас оҳанглари барҳаёт...

Бугунги ўзбек диёри унинг қўшиқларидек латофатли, у таъриф ва тавсиф этгандек шонли ва шавкатли эмас. Бугун, эҳтимол, халқ ва адабиётга нуқтадон, ширинзабон шоирлар эмас, балки асарлари билан жафокаш халққа қалқон бўла олувчи курашчи шоирлар кўпроқ керакдир. Лекин кураш соатларида ҳам, курашдан толган дақиқаларда ҳам халқнинг нур ва меҳрга, эзгулик ва гўзалликка муҳтож юраги ҳақиқий қўшиқни, ўзбек табиатининг минг хил бўёқлари билан товланувчи сўзни — ором ва малҳам сўзини қўмсаши аниқ. Демак, Туроб Тўла сингари куйчилар ҳамиша биз билан — халқ билан яшашда давом этадилар.

Туроб Тўла етмиш ёшга тўлганида, жиндек байрам кайфиятида юришни ўзига эп кўрмади. У Ҳамза тўғрисидаги бир пьесасини тугатиб, катта насрий асарни ёзишга чоғланди. Ҳатто ўзини Қримгами, Кавказгами кетган, деб эълон қилди. Лекин у эмас, унинг оиласи кетган, унинг ўзи эса Тошкентда уйдан чиқмай ижод қилмоқчи эди. Бўлмади. Ёлғизликда роман ёзилмади. Бунинг устига у тез орада, кутилмаганда, оғир хасталикка йўлиқди. Бундан роса бир йил илгари у устозлари этагидан ўзига сўнгги паноҳ топди.

Унинг — булбулзабон шоирнинг тилидан доим бол томар эди. Бу хислат унинг бисотида қолган ва бугун биринчи маротаба ҳурматли рўзномахонлар эътиборига ҳавола этилаётган шеърлари учун ҳам бегона эмас.

Наим КАРИМОВ,
Беруний мукофоти лауреати.

СОҒИНЧ

МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИ ЭСЛАБ

Оҳ, нақадар оғир экан соғинч дегани,
Қанча йироқ кетса бўлур экан яқинроқ.
Танинг узра бамисоли оловли тани,
Билмоқ бўлсанг муҳаббатнинг маконига боқ.
Муҳаббатнинг макони бу — қаҳбаҳс истеҳком,
Ҳамма таҳқир, аламларга дош берган ботин!
Усмон[1]ларнинг иродаси яратган эҳром,
Ҳақ, адолат эътиқоди яратган зотин.
Соғинч билан яшамоқнинг ҳузури бошқа,
Юрагингга қанча яқин бўлса у кибор.
Энг ҳузурбахш хотиралар келтирур бошга
Масъул кунлар қўллари-ла аритиб ғубор.
Мен соғинчман, қидираман изларингизни,
Мен соғинчман, яхшиларга боқаман ҳумор.
Шундай тилсим бўлурмикан: яхшилар изни,
Одам бўлса бўлур асли создай бахтиёр.
Уйларимга келур бирдан буюк Навоий,
Собит[2] келур, Шероз[3], Дурди[4], Ғафур келади.
Дўстлик мулкин султонлари Фузулий, Жомий,
Шунда соғинч юрагимга сабр келади.
Мен соғинчман, дарҳақиқат, хиёбон аро,
Тошкент Анҳор бўйларида қолган уззу-кун.
Уйли Ўрда кўпругида содиқ фуқаро,
«Тошкентнома» сафҳасида сафо қилган тун.
Соғинтирар ўзбекона озар лаҳжангиз,
Тошкентга ҳам, Бокуга ҳам жон этган фидо,
Соғинмоқлик кенглик эрур мисоли денгиз,
Соғинмаслик балосидан асрасин худо!

30. I. 1989 й.

1. Усмон Носир.
2. Собит Муқонов.
3. Овонес Шероз.
4. Дурди Қиличев.

МУАШШАҲ

Теварак-атрофда жимжитлик...
У менинг бағримни эзади.
Руҳимни синдириб бир зумлик,
Сарвқад бераҳим кезади...

У ғоят бераҳим, бераҳим...
Ним парда куйлайди жонимда.
У, дунё бунча жим, бунча жим,
Йиртади ёқамни ёнимда...

20. IV. 1989 й.
Сайрам.

* * *

Адашмоқ нақадар даҳшат дунёда,
Гўзаллик олдида эгилмоқ, синмоқ!
Ўйингни ўчирар мисоли бода,
Ниҳоят, қисматга қолур қисинмоқ.

Қисинмоқ бир умр — бир умр ғусса,
Ғусса юрагингни битирур ғажиб.
Шундай забун бўлур умр, алқисса,
Бу олам нақадар ғалат, таажжуб...

28.IV 1989 й.

ИШТИБОҲ

Тағин келдинг ўйимга ногоҳ,
Кўз ўнгимда қолдинг узун тун.
Тағин ўша дилхоҳ иштибоҳ
Ўйларимни титкилар бутун,
Ҳаёлимдан кетмайсан ҳамон,
Ҳамон ўша сўнмас сувратинг.
Ҳамон ўша-ўша ҳаяжон,
Ҳамон ўша мавзун талъатинг!
Тағин келдинг дилимга, оташ,
Юрагимга ғулғула солиб.
Ишқ деганн бунча балокаш,
Бунча-бунча тўймас бош олиб!..
Тағин келдинг, бу не саодат,
Бу не андуҳ, бу не таважжуҳ!
Бу—саодат берган ривоят,
Бу — ёшликка қайтарувчи руҳ!
Мен муҳаббат руҳига қулман,
Озорига асирман мангу.
Севса гулман, ёндирса кулман,
Қалб унинг не қилса ҳам у!

1988 й.

Туроб ТЎЛА

ҲАЙРАТ

Инсон ҳаёли — бир нур,
Ҳайрат тўзони, тавба,
Ҳайрат тўзони, балки,
Ҳайрат ҳазони, тавба!

У нур мисоли тилсим,
Неларни кашф қилмас,
Кашфида минг саодат,
Ботин сўзони, тавба!

Инсон хаёли маҳзан,
Эртак мисоли сўнгсиз.
Меъёру меҳрварига
Етмас мезони, тавба!

У айламиш тафаккур
Афсун мисоли дилхоҳ,
Тонг қолдирур у ҳатто
Казо-казони, тавба!

Инсон хаёли шундай
Туробнинг тавбасида,
Таҳлилда зоҳиран денг
Ҳатто фазони, тавба!

1988 й.

ОНА МАСКАНИМ

Оҳ, нақадар гўзалсан, боқасан кулиб,
Фароғатда боқасан оламга тўлиб,
Бамисоли тўлишган бир гўзал бўлиб,
Саодатинг бошингда учар чарх уриб,

Севгиликдан севгилик, Она масканим,
Ҳеч кимга бермагулик, Она масканим!

Ҳеч қайда йўқ сеҳрли тароватинг бор,
Ҳеч қайда йўқ шукуҳли ҳаловатинг бор,

Ҳеч қайда йўқ иқболу адолатинг бор,
Қўшиқ бўлиб таралган саодатинг бор,

Севгиликдан севгилик, Она масканим,
Ҳеч кимга бермагулик, Она масканим!

Бу не ўзи, эй, Она, бахт санъатими!
Бу ким, нима, жигарим, ҳаёт отими!
Юрагимда тўқилган ипак қатими!
Тилгинамда мисоли асал татими!

Севгиликдан севгилик, Она масканим!
Ҳеч кимга бермагулик, Она масканим!

1989 йил.27/III.

• Сел олган жойда

ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Шаҳрисабз ва ноҳия ҳудудида сел оқибатларини тугатиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқларидан селдан зарар кўрган оилаларга озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари юбориляпти. Табиий офатдан азият чекканларга ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган 74/601 жамғарма ҳисобига пул ўтказилмоқда.

Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси 15 минг, консерва заводи 10 минг сўм ўтказиб қўйди. Шунингдек, Қарши ноҳиясидан 6624 сўм ҳисобга олинди. Нишон, Усмон Юсупов, Ульянов ноҳияларининг меҳнаткашлари мадад кўрсатишга ошиқмоқдалар. Зарар кўрган оилалар уй-жой, рўзғор буюмлари ва кийим-кечаклар билан таъминланяпти. Суғурта идоралари, меҳр-шафқат жамғармаси мутасаддилари ҳам қараб туришгани йўқ.

— Оқибатли, саховатпеша одамлар бор жойда ҳамиша ҳиммат кўрсатилади, — дейди Ўзбекистон кўчасидаги 81-уйда яшаган онахон Б. Ҳасанкина. — Сел туфайли уйимиз ўпирилиб тушди. Кийим-бошларимиз оқиб кетди. Зеро, яхши одамлар, қолаверса, шаҳар ва вилоят партия ва совет ташкилотларининг тадбиркорлиги туфайли бошпанасиз қолмадик. 11-микрорайондан тўрт хонали уй беришди.

— Мурувватли одамлар бор бўлсин, — дейди К. Маркс кўчасидаги 17-уйда яшовчи Э. Аҳмедов. — Савобли ишлардан баҳраманд бўляпмиз. Биргина бизга 500 сўм ёрдам пули ҳамда кўрпа-тўшак, кийим-кечак беришди. Янги уйнинг калитини оладиган бўлиб турибмиз.

Жамоа ва давлат хўжаликларида ҳам табиий офат оқибатлари бартараф этилмоқда. 4926 гектар майдонга қайта уруғ ташланмоқда.

— Бундай офатни учинчи бор кўришим, — дейди Энгельс номли жамоа хўжалиги раиси Қ. Ҳақбердиев. — Агар одамлар ўзаро ҳайриҳоҳ ва ҳамкор бўлсалар ҳар қандай қийинчиликларни даф этиш мумкин. Хўжалигимиз аъзолари селдан зарар кўрганларни қўллаб-қувватлаб, янги уй-жойларни тиклашда елкадошлик қилмоқдалар. Минг гектардан ошиқроқ майдонга қайта чигит экяпмиз. Сув иншоотлари таъмирланди. Ҳар қалай серташвиш баҳор юмушларини адо этиб, мақсад сари интиламиз.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Жиззах вилоятидаги Пахтакор районида жойлашган А. Навоий номли ўрта мактабда буюк алломанинг 550 йиллиги юбилейини муносиб нишонламоқдалар. Мактабда яқинда А. Навоий музейи ҳам ташкил қилинди.

Суратда: ўқувчилар музей залида.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО...

● Ўзбекистон об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумотга қараганда ҳафта мобайнида ҳавонинг қуруқ ва иссиқ келиши кутилади. Фақат ҳафта охирида жумҳуриятимиз шимолий ҳудудларида бироз ёғингарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 8—10 дан 12—17 гача, кундузи 25—30 дан 29—34 даражагача кўтарилади. Жанубий ноҳияларда кечаси 11—16 дан 14—19 гача, кундузи 28—33дан 31—36 даражагача кўтарилиши кутилмоқда. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат 1—2 даража баландроқ бўлади.

...САЛОМАТЛИК

● Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг шарҳига қараганда об-ҳаводаги бундай ўзгаришлар таъсирчан кишиларга бироз нохушлик келтириши мумкин экан. Чунончи қон босими ўзгарувчан, юраги хаста кишилар ўзларини эҳтиёт қилишлари маъқул кўрилади. Уларга кўпроқ хонани шамоллатиб туриш, очиқ ҳавода сайр этиш, нафас олиш машқларини бажариш, мўздекроқ сувда ювиниш тавсия этилади. Шифокор маслаҳатига кўра дори-дармонлардан фойдаланиш керак.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛДИ

● Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг 7-тур ўйинлари қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Айниқса, пойтахт армиячиларининг «Шахтёр» майдонидаги ўчрашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кончилар 1:0 ҳисобида ютиб туришганда, учрашув ҳаками 11 метрли жарима тўпи белгилади. Армиячилар ҳисобни тенглаштиришди. Бу эса мухлисларда катта норозилик туғдирди. Ҳакамга қарши ҳайқириқлар янграб, шиша ва ҳар хил буюмлар ўйингоҳ ўртасига отилди. Жанжални бостириш осон бўлмади. Мавсум бошидан бери мағлубиятсиз ўйнаб келаётган армиячилар эса бир очко йўқотишди. Ҳозир улар 13 та очко билан биринчи бўлиб туришибди. «Помир» футболчилари ҳалигача ғалаба нималигини билишмади. Бу гал улар Минск майдонида ҳисобни 2:2 қилишди. Владикавказ спартакчилари биринчи ғалабани сафарда, «Черноморец» командаси билан ўйинда (3:1) қўлга киритдилар.

«Пахтакор» футболчилари сафарда кетма-кет учта учрашув ўтказадилар. Улар «Металлист» майдонида имкониятни (1:3) бой беришди. Ваҳолонки, А. Пятницкий ҳисобни очган эди. Майдон эгалари учта жавоб тўпи киритиб, ғалабани илиб кетишди. Энди пахтакорчилар 27 апрель куни Минск динамочилари, 2 май куни пойтахт динамочилари билан учрашадилар.

ХОККЕЙ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР.

● Финляндияда шайбали хоккей бўйича Европа ва жаҳон чемпионати бошланди. Мусобақада Совет ва Канада терма жамоалари тўрттадан очко билан олдинда боришмоқда. Хоккейчиларимиз Швейцария (3:1) ва Олмония (7:3) жамоаларидан устун келишди. Бугун улар АҚШ хоккейчилари билан майдонга тушадилар.

СПОРТЛОТО

● **16-тираж ўйинларида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди: «45 дан 6»: 4, 5, 9, 18, 23, 32. «36 дан 5»: 1, 6, 8, 16, 31.**

• *Эгри иш—келтирар ташвиш*

ФОШ ЭТИЛДИ

● САМАРҚАНД. Чой қадоқлаш фабрикасига фонддан ташқари маҳсулот келтирилган эди. Фабрика ходимлари ўйламай-нетмай, ундан фойдаланмоқчи бўлдилар. Фабрикадан чиққан юк машинаси Булунғур ноҳиясидаги «Интернационал» давлат хўжалиги томон йўл олди. Шахсий уйларнинг бири олдида тўхтаб, юклар тушириляётганда текширувчилар етиб келишди. Маълум бўлишича машинага ортилган чой 5760 килограмм экан. Унинг умумий миқдори 32 минг 256 сўмни ташкил этди.

● ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг текширув гуруҳи Тошкент божхонаси вакиллари ёрдамида «Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонаси томонидан жумҳуриятимиздан ташқарига — хорижга чиқарилаётган 450 минг сўмлик кенг истеъмол маҳсулотларини (216 номда) тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди.

Жумҳурият «Ўзбекбирлашув» улгуржи-савдо базаси фаолияти текширилганда қўпол хатоликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Омборларда савдодан яшириб қўйилган, хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ноёб маҳсулотлар борлиги аниқланди. Шунингдек, маҳсулотларнинг нархи асоссиз пасайтирилганлиги фош этилди. 1980 йилдан бери сақланаётган 15553 сўмлик КТ—400/10 трансформатор подстанцияси бирор кун ҳам ишлатилмаганига қарамай, нархи 50 фоизга туширилган.

Бошқа омборларда эса умумий миқдори 44757 сўмлик хорижда тайёрланган 5 та ётоқ гарнитури ҳамда кийим-кечаклар яширилгани аниқланди. Бундан ташқари омборда хорижий кошин ва мебелларни сотишда ги қонунлар бузилиши ҳам фош этилди.

● ФАРҒОНА. Давлат хавфсизлик қўмитасининг Қўқон бўлими чекистлари милиция ва ишчи назорати билан ҳамкорликда шаҳар дўконларида 17 минг сўмлик саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари яширилгани аниқланди. Бундан ташқари омборда хорижий

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жамоатчилик билан алоқа маркази.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 78. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИЗ ВАЛЮТА, СЎМ ЭВАЗИГА ВА БАРТЕР БЎЙИЧА ҒИШТ ЗАВОДИГА ЭГА БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

«А, В, — Суздаль» фирмасининг маркетингга оид тадқиқот ва изланишларининг натижаларини СССРга йилига 3 млн. дан 15 млн. донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ғишт заводларини ишга туширишга шай ҳолда ўрнатиб беришга, шунингдек, черепица ва цемент блокларни тайёрлашда ишлатиладиган ускуналарни ҳам етказиб беришга тайёр турган кўпгина чет эл ва совет корзонлари тўғрисидаги кенг қамровли ахборотларда мужассамлашган.

Бизнинг кўп ихтисосли «А. В. С.» фирмамизнинг ёрдами— Сиз учун ғишт, черепица ва цемент блоклар тайёрлайдиган линияларнинг энг яхши ишлаб чиқарувчилари билан бевосита алоқа боғлашингиз учун реал, аниқ имконияти демакдир.

Почта орқали бизнинг техникавий-ҳисоботимиз, аниқ, муайян таклифларимиз, таъминотчи-фирмаларнинг рўйхатлари, манзиллари ва телефонларини ўз ичига олган ахборотлар тўпламини олиш учун Суздаль шаҳар Агросаноат банкининг Суздаль бўлимидаги 000609732 ҳисоб рақамига (МФ0109213 175 сўм пул ўтказишингиз ва тўлов топшириғининг нусхаси билан ўзингизнинг буюртма-мактубингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз лозим. 601260, Суздаль шаҳри — 260, алоқа бўлими, 7-абонент қути, «А. В. — Суздаль» фирмаси. Тўплам — 2 ҳафта ичида жўнатилади.

— Бизнинг маркетинг бобидаги тадқиқотларимизнинг натижалари тўплами — Сизнинг қуч-қувватингиз, вақт ва маблағларини тежаш демакдир!

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сизнинг ташкилотингизда эҳтиёж катта бўлган ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги сифатли, стандартлаштирилган маҳсулотлар шартнома ва буюртмаларда кўрсатилганидан ортиқ хомашё ва халқ истеъмоли моллари бўлса ва Сизнинг ташкилотингиз шулар эвазига шахсий компьютерлар, шунингдек, компьютерлар учун алоҳида функционал қурилмалар ва сарф-ҳаражат материаллари, шунингдек, нусха кўпайтириш техникасини олмоқчи бўлса

«ПАРУС-СИБИРЬ ТОРГ ИНТЕРНЕШЛ» ҚЎШМА СОВЕТ-АМЕРИКА КОРХОНАСИ БАРТЕР (мол айирбошлаш) ШАРНОМАСИНИ ТЎЗИШДА

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Таклифларингизни расмий бланкада муҳр билан тасдиқланган хат кўринишида қуйидагилар илова қилинган ҳолда 15 майгача 700034, Тошкент шаҳри Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8-уйдаги ПОСТИ қўшма корхонасига юборинг:

— айирбошлаш учун таклиф қилинаётган маҳсулот, унинг миқдори ва сўмлардаги тижорат нархи (битим суммасини белгилаш учун);

— тавсия этилаётган маҳсулотга айирбошлаб олиш кўзда тутилган компьютер ёки нусха кўпайтириш техникасининг тури ва миқдори;

— бартер шартномасини тузиш учун зарур ташкилий маълумотлар (почта, банк, жўнатиш реквизитлари) тўғрисидаги ахборотлар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-08-53 ва 78-01-07.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА

1991 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган

97-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди

счет номерлари	ютуқ миқдори (жамғармаларнинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида)
А-009	25
А-076	25
А-092	25
А-150	25
А-171	100
А-220	25
А-244	25
А-304	25
А-334	25
А-378	50
А-421	200
А-456	25
А-492	100
А-559	25
А-588	25
А-620	25
А-674	25
А-991	25
А-707	25
А-746	25
А-776	25
А-823	50
А-847	25
А-991	25
А-934	25
А-966	25

Счётлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди. Масалан, А-009, А-1009, А-2009 ва ҳоказолар, А-076, А-1076, А-2076 ва ҳоказолар, А-150, А-1150, А-2150 ва ҳоказолар.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Тошкент шаҳар Фрунзе район ижроия комитети раиси Х. Я. ОХУНЖОНОВ.

КОМИССИЯНИНГ МАСЪУЛ КОТИБИ — З. А. ТИНЧЕРОВ.

«Узагропромстройтеп л и ц а» трести жамоаси 447-МПМК бошлиғи Б. Ш. Тлеубоевга отаси

Шабай ТЛЕУБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмгоҳи жамоаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер Г. С. Султоновга рафиқаси

Анна Иосифовна ПАНЮТИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети Амалий физика илмий текшириш институти жамоаси шу институт лаборатория мудири З. Т. Азаматовга онаси

Ҳиноят АЗАМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат академик драма театри жамоаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Юнусовга акаси

Юсуф ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Союзпечать» республика агентлиги жамоаси Тошкент вилоят «Союзпечать» агентлигининг ходими Ғ. Н. Аюповга онаси

Омина Ҳамза қизи АЮПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1991 — 1992 ўқув йилида кимё мутахассислиги бўйича университетга кирувчилар кимё (ёзма), кимё (оғзаки), она тили (ёзма) фанларидан кириш имтиҳонлари топшириш керакли-гини маълум қилади.

Батафсил маълумот олиш учун рўзноманинг 16 апрель сонига қаралсин.